

«Ҳажи мабрур» ва «ҳажи акбар» деб нимага айтилади?



11:26 / 04.06.2025 1977

«Ҳажи мабрур» деб мақбул ҳажга айтилади. Унинг аломати ҳар бир қилган гуноҳига тавба қилиб, истиффор айтиш ва бирор кишининг ҳаққи зиммада қолмаслигидир. Шу билан бир қаторда пешона тери билан ҳалолдан топган моли билан ҳажга бориши ва гуноҳга сабаб бўладиган бирор номақбул иш қилмаслиги ҳамда эҳром кийган ҳолда ман қилинган ишлардан тийилишидир. Ҳаждан қайтгандан кейин диний ҳолати аввалгидан яхши томонга ўзгарган кишининг ҳажи Худо хоҳласа мақбул ва мабрур ҳаж деб тушунилади.

Халқ орасида ҳаж жума кунига тўғри келиб қолса, «ҳажи акбар» дейилиши машҳур бўлиб кетган. Лекин бу гап ҳадис ва фикҳий китобларнинг бирортасида ҳамда мужтаҳидларнинг сўзларида учрамайди. Ҳадис ва

